



АЙРИМ МДХ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Баходир Ахмедов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20619786>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 06-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 09-iyun 2026 yil

KEYWORDS

Айнан шу мақсадда кўплаб давлатлар қонунчилигида жиноят содир этган шахснинг муайян ижобий хулқ-атворини рағбатлантиришга қаратилган, шартли равишда “рағбатлантирувчи нормалар” деб аталувчи ҳуқуқий қоидалар назарда тутилган.

ABSTRACT

Барчамизга маълумки, шахсни муайян жиноятни содир этганлиги учун жазо тайинлашдан кўзланган мақсадлардан энг муҳими маҳқумни ахлоқан тузатиш ҳисобланади. Бироқ ривожланган мамлакатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги амалиёти таҳлили фақат куч ишлатишга асосланган усуллар ҳар доим ҳам қутилган натижани бермаслигини кўрсатмоқда. Шундай экан, назаримизда ҳар бир жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиб, жазо тайинлашдан кўра, унинг ижобий хулқ-атворини рағбатлантириш орқали давлат томонидан ўрнатилган қонунларга ҳурмат ҳиссини шукроналик тарзида намоён бўлишига эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Барчамизга маълумки, шахсни муайян жиноятни содир этганлиги учун жазо тайинлашдан кўзланган мақсадлардан энг муҳими маҳқумни ахлоқан тузатиш ҳисобланади. Бироқ ривожланган мамлакатларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги амалиёти таҳлили фақат куч ишлатишга асосланган усуллар ҳар доим ҳам қутилган натижани бермаслигини кўрсатмоқда. Шундай экан, назаримизда ҳар бир жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиб, жазо тайинлашдан кўра, унинг ижобий хулқ-атворини рағбатлантириш орқали давлат томонидан ўрнатилган қонунларга ҳурмат ҳиссини шукроналик тарзида намоён бўлишига эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Айнан шу мақсадда кўплаб давлатлар қонунчилигида жиноят содир этган шахснинг муайян ижобий хулқ-атворини рағбатлантиришга қаратилган, шартли равишда “рағбатлантирувчи нормалар” деб аталувчи ҳуқуқий қоидалар назарда тутилган. Мазкур нормаларнинг қўлланилиши шахс томонидан қонунда белгиланган муайян ҳаракатлар амалга оширилиши билан боғлиқ бўлиб, айнан шу хулқ-атвор натижасида уларни татбиқ этиш имконияти юзага келади.

Давлатлар жиноят қонунчилигида оқилона ва мувозанатли рағбатлантирувчи нормаларнинг мавжудлиги жиноят-ҳуқуқий сиёсат самарадорлигини оширишга хизмат

қилади. Ана шундай рағбатлантирувчи нормаларга жинойт ишини ярашув асосида тугатиш институти ёрқин мисол бўла олади.

Ярашув институти жинойт натижасида юзага келган ижтимоий-ҳуқуқий низони фақат жазо қўллаш орқали эмас, балки жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ва гумон қилинувчи (айбланувчи) ўртасидаги муносабатларни тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ҳамда ижтимоий адолатни таъминлаш орқали ҳал этишга имкон беради. Шу жиҳатдан мазкур институт замонавий жинойт ҳуқуқида тикловчи одил судлов ғояларининг муҳим кўринишларидан бири сифатида эътироф этилади.

Ярашув институтининг ҳуқуқий табиати, қўллаш шартлари ва процессуал механизми турли давлатларда ҳар хил шаклланган. Шу боис мазкур институтнинг хорижий тажрибасини ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Айниқса, МДХ давлатларининг бу борадаги тажрибасини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки мазкур давлатларнинг ҳуқуқий тизимлари тарихий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўхшаш асосларда шаклланган бўлиб, уларнинг жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилигида кўплаб умумий ёндашувлар сақланиб қолган. Шу билан бирга, кейинги йилларда ҳар бир давлат ярашув институтини ривожлантиришда ўзига хос йўлни танлаган.

Жумладан, Қозоғистон ва Беларусь қонунчилигида медиация институти жинойт процессига самарали жорий этилган бўлса, Эстония қонунчилигида ярашув тикловчи одил судловнинг мустақил механизми сифатида ривожланган. Беларусь, Арманистон ва Тожикистон қонунчилигида эса ярашувни қўллаш учун жинойтнинг биринчи марта содир этилганлиги умумий шарт сифатида белгиланмаган бўлиб, асосий эътибор жабрланувчининг ҳуқуқларини тиклаш ва етказилган зарарни қоплашга қаратилган. Бундай ёндашувлар миллий қонунчиликни такомиллаштириш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли ярашув институти бўйича МДХ давлатлари тажрибасини ўрганишдан мақсад хорижий қонунчиликни механик равишда кўчириш эмас, балки мазкур институтнинг самарали ҳуқуқий механизмларини аниқлаш, уларнинг ижобий жиҳатларини баҳолаш ва миллий ҳуқуқ тизими эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси жинойт ҳамда жинойт-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Россия Федерациясининг Жинойт—процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК деб юритилади) 25-моддасига мувофиқ, суд, шунингдек тергов органи раҳбарининг розилиги билан терговчи ёки прокурор розилиги билан тергов органи ходими жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилининг аризаси асосида унча оғир бўлмаган ёки ўртача оғирликдаги жинойт содир этишда гумонланаётган ёки айбланаётган шахсга нисбатан Жинойт кодексининг (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади) 76-моддасида назарда тутилган ҳолларда, агар мазкур шахс жабрланувчи билан ярашиб, унга етказилган зарарни тузатган бўлса, жинойт ишини тугатиши мумкин.

Ярашув судланувчи бўлмасдан олдин, яъни суднинг маслаҳат хонасига кириши вақтига қадар, апелляция инстанциясида эса апелляция суди маслаҳат хонасига кириши вақтига қадар амалга оширилиши лозим.

Россия ЖПКда ишни тугатиш ваколоти учта субъектга берилган: суд — жараённинг ҳар қандай босқичида; терговчи — тергов органи раҳбарининг розилиги билан; суриштирувчи — прокурор розилиги билан.

Дастлабки тергов босқичида жабрланувчи аризаси олинади, зарур шартлар текширилади ва тергов органи ёки суриштирувчи тугатиш тўғрисида қарор чиқаради. Иш судга юборилмайди — тергов органи ярашув асосида ишни мустақил тугатади, суднинг тасдиғи талаб этилмайди. Бу мамлакатимиз қонунчилиги билан принципиал фарқ ҳисобланади. Ўзбекистонда тарафлар аризаси тергов органи томонидан олинади, иш судга юборилади ва ярашувни тасдиқлаш ваколоти фақат судга берилган. Россияда эса суд иштироки фақат иш аллақачон судга юборилган босқичда зарур бўлади¹.

Қозоғистон Республикасининг ЖПКда ярашув институти анча кенгроқ тарзда — медиация билан уйғунлашган ҳолда тартибга солинган. Жиноят кодексининг 68-моддасига мувофиқ, жиноят процессуал кодексида жиноий ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс жабрланувчи билан ярашиши мумкин.

Хусусий айблов ишларида жабрланувчи гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашуви асосида иш тугатилиши мажбурий ҳисобланади. Хусусий-жамоат айблов ишларида эса тугатиш Жиноят кодексининг 68-моддасида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Ярашув суднинг маслаҳат хонасига кириши вақтига қадар жиноят жараённинг исталган босқичида мумкин. Апелляция инстанциясида ҳам тарафлар ярашув ёки медиация тўғрисида ариза беришлари мумкин, бунда суд ҳукми бекор қилиб, ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Ишни ярашувга асосан тугатиш ваколоти Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 36-моддасида “жиноий таъқибни амалга ошириш органи, суд” деб кўрсатилган. “Жиноий таъқибни амалга ошириш органи” тушунчаси терговчи, суриштирувчи ва прокурорни қамраб олади. Тергов босқичида тузилган примирение битими ёки медиатив битим асосида тергов органи ёки прокурор мустақил тарзда иш тугатиш тўғрисида қарор чиқаради — суд тасдиғи шарт эмас. Шундан сўнг тугатиш тўғрисидаги қарор нухаси жабрланувчи ва айбланувчига юборилади, улар уни прокурорга ёки судга шикоят қилишлари мумкин. Иш суд босқичига ўтгандан кейин — суд тугатади. Апелляция инстанциясида ҳам ярашув ёки медиация орқали ишни тугатиш мумкин: суд ҳукми бекор қилиб, ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Қозоғистон жиноят—процессуал қонунчилигига медиацияни тўлиқ интеграция қилган — бу МДХ давлатлари орасида энг мукамал тизим ҳисобланади. Медиатор мустақил жисмоний шахс бўлиб, у медиация тўғрисидаги қонун талабларига жавоб беради².

Беларусь Республикасида ярашув институти ЖПК 30-моддаси ҳамда ЖКнинг 89-моддаси билан тартибга солинади. Ушбу нормаларга кўра, айбланувчининг жабрланувчи билан ярашиши ва етказилган зарарни бартараф этиши жиноят ишини

¹ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18 декабря 2001 года № 174-ФЗ; Уголовный кодекс Российской Федерации от 13 июня 1996 года № 63-ФЗ.

² Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗРК; Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК; Закон Республики Казахстан «О медиации» от 28 января 2011 года № 401-IV.

тугатиш ҳамда уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлиши мумкин. Бунда қарор қабул қилиш ваколати судга, прокурорга ёки прокурор розилиги билан терговчига тегишли ҳисобланади³.

Беларусь қонунчилигининг муҳим ўзига хос жиҳати шундаки, ярашув институти гумон қилинувчига эмас, балки фақат айбланувчига нисбатан қўлланилади. Демак, шахсга нисбатан расман айблов эълон қилинмаган бўлса, мазкур институтдан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Ушбу жиҳат Беларусь моделини Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон қонунчилигидан яққол фарқи ҳисобланади.

Шунингдек, Беларусь қонунчилигида ярашувни қўллаш учун жиноятнинг биринчи марта содир этилганлиги талаб қилинмайди. Қонун чиқарувчи асосий эътиборни шахснинг аввал судланганлигига эмас, балки жабрланувчи билан ярашилганлиги ва зарарнинг қопланганлигига қаратади. Мазкур ҳолат Беларусь моделини Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддаси, Россия Федерацияси ЖК 76-моддаси ва Қозоғистон Республикаси ЖК 68-моддасида назарда тутилган ёндашувдан ажратиб туради.

Арманистон Республикасида ярашув институти жиноят—процессуал қонунчилиги доирасида келишув ва ҳамкорлик тартиблари тизими орқали тартибга солинади. Арманистон қонунчилигида жиноий таъқиб оммавий ва хусусий тартибда амалга оширилиши мумкин бўлиб, хусусий айблов ишларида жабрланувчи ҳал қилувчи процессуал ўринга эга.

Арманистон моделида прокурорнинг роли бошқа кўпчилик МДХ давлатларига нисбатан анча кучли ҳисобланади. Жиноий таъқибни бошлаш, давом эттириш ёки тугатиш масалаларида прокурор кенг ваколатларга эга бўлиб, айрим ҳолатларда ярашув натижаларини ҳуқуқий баҳолаш ҳам унинг иштирокида амалга оширилади⁴.

Арманистон қонунчилигида ҳам Беларусь каби жиноятнинг биринчи марта содир этилганлиги ярашувнинг универсал шарти сифатида белгиланмаган. Қонун чиқарувчи асосий эътиборни етказилган зарарнинг қопланганлиги ва жабрланувчи ҳуқуқларининг тикланганлигига қаратади. Бу эса Арманистон моделини Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон моделларидан ажратиб туради.

Шу билан бирга, Арманистон қонунчилигида Беларусь Республикасидаги каби жиноят-процессуал медиация институти шаклланмаган. Ярашув асосан жиноий таъқибни тугатиш ва келишув механизмлари орқали амалга оширилади.

Тожикистон Республикасида эса ярашув институти ЖПКнинг жиноят ишини тугатиш асосларига бағишланган нормалари ҳамда ЖКнинг тегишли моддалари билан тартибга солинади. Тожикистон моделида ҳам ярашувнинг асосий мақсади жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва етказилган зарарни қоплаш ҳисобланади.

Тожикистон қонунчилигида ярашувни қўллаш учун жиноятнинг биринчи марта содир этилганлиги шарт сифатида назарда тутилмаган. Бу жиҳат уни Беларусь ва

³ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года № 295-З; Уголовный кодекс Республики Беларусь от 9 июля 1999 года № 275-З.

⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения от 30 июня 2021 года № ЗР-306-Ў; Уголовный кодекс Республики Армения от 5 мая 2021 года № ЗР-198-Ў.

Арманистон қонунчилигига яқинлаштиради ҳамда Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон қонунчилигидан ажратиб туради.

Тожикистон ЖПКда медиация, медиатор ёки медиатив келишув тушунчалари мавжуд эмас. Ярашув бевосита жиноят ишини юритувчи органлар томонидан расмийлаштирилади. Шу сабабли Тожикистон модели классик ярашув модели ҳисобланади.

Тожикистон қонунчилигида прокурор жиноий таъқибнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширувчи асосий субъект ҳисобланади. Суд эса ярашув муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақида якуний қарор қабул қилиш ваколатига эга⁵.

Қирғизистон Республикасида ярашув институти ЖКнинг тегишли моддалари ҳамда ЖПКнинг жиноят ишини тугатишга бағишланган нормалари билан тартибга солинади. Қирғизистон қонунчилигида томонларнинг ярашуви ва етказилган зарарнинг қопланганлиги жиноят ишини тугатиш учун муҳим ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади⁶. Қирғизистон моделида ҳам тикловчи одил судлов элементлари кучайиб бораётгани кузатилади. Шу билан бирга, процессуал келишувлар институтининг ривожланиши мазкур давлатни классик ярашув моделига асосланган Беларусь ва Тожикистон қонунчилигидан маълум даражада ажратиб туради.

Қирғизистон қонунчилигининг ўзига хос жиҳати шундаки, медиация жиноят-процессуал муносабатларнинг мустақил иштирокчиси сифатида тан олинган. Бу эса Россия, Туркменистон ва Ўзбекистон қонунчилигидан фарқли равишда ярашув жараёнига профессионал воситачини жалб қилиш имконини беради. Шу билан бирга, Қирғизистон модели Қозоғистон тажрибасига яқин бўлиб, тарафлар ўртасидаги низони суд муҳокамасигача ҳал этишга алоҳида аҳамият қаратилади. Қирғизистон қонунчилигида ярашув институтининг асосий мақсади жазолашдан кўра етказилган зарарни қоплаш, жабрланувчи ҳуқуқларини тиклаш ва ижтимоий муносабатларни барқарорлаштиришдан иборат ҳисобланади.

Туркменистон Республикасида ярашув институти ЖКнинг 72-моддаси ҳамда ЖПКнинг 33-моддаси билан тартибга солинади. Туркменистон қонунчилигининг муҳим хусусияти шундаки, ярашув жуда чекланган доирадаги жиноятларга нисбатан қўлланилади⁷.

Хусусан, қонунчиликда жабрланувчи билан ярашиш имкони фақат айрим жиноят таркиблари бўйича назарда тутилган. Бу жиҳат Туркменистон моделини МДХ давлатларининг аксариятидан ажратиб туради. Туркменистон жиноят процессида ҳам медиация институти назарда тутилмаган.

Молдова Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ярашув институти асосан хусусий айблов ишлари билан боғланган. Жумладан, Молдова Республикаси ЖПКнинг 276-моддаси 7-қисмига мувофиқ, томонларнинг ярашуви жиноят таъқибини тугатиш учун асос ҳисобланади. Шунингдек, ЖПКнинг 285-моддаси ва 344¹-

⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года № 564; Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574.

⁶ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129.

⁷ Уголовно-процессуальный кодекс Туркменистана от 18 апреля 2009 года; Уголовный кодекс Туркменистана от 12 июня 1997 года.

моддаларида ҳам ярашув муносабати билан иш юритувини тугатиш тартиби назарда тутилган⁸.

Молдова моделининг энг муҳим хусусияти шундаки, ярашув барча тоифадаги жиноятларга эмас, балки асосан жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган хусусий айблов ишларига нисбатан татбиқ этилади. Шу жиҳатдан у Қозоғистон, Беларусь ва Арманистон қонунчилигидан фарқ қилади. Бундан ташқари, Молдова қонунчилигида жиноят таъқибини тугатиш масаласи дастлаб прокурор томонидан ҳал қилиниши мумкинлиги назарда тутилган. Суд муҳокамаси босқичида эса мазкур ваколат судга тегишли ҳисобланади. Бу ҳолат прокурорнинг процессуал ваколатлари анча кенг эканлигини кўрсатади. Молдова моделида биринчи марта жиноят содир этганлик шартини ҳар доим ҳам ҳал қилувчи мезон сифатида белгиланмаган бўлиб, асосий эътибор томонларнинг ҳақиқий ярашувига қаратилган.

Украина Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида ярашув институти МДХ давлатлари ичида энг ривожланган процессуал келишувлар тизимларидан бири сифатида шаклланган. Украина ЖПКнинг 35-боби (468–476-моддалар) тўлиқ равишда жиноят ишлари бўйича келишувларга бағишланган бўлиб, унда ярашув тўғрисидаги келишув ва айбга иқдор бўлиш тўғрисидаги келишув мустақил институтлар сифатида тартибга солинган.

Хусусан, ЖПКнинг 468-моддасига мувофиқ, жиноят процессида икки турдаги келишув қўлланилади: жабрланувчи ва гумон қилинувчи (айбланувчи) ўртасидаги ярашув тўғрисидаги келишув ҳамда прокурор билан гумон қилинувчи (айбланувчи) ўртасидаги айбга иқдор бўлиш тўғрисидаги келишув. Кейинги моддаларда мазкур келишувларни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартиби батафсил тартибга солинган⁹.

Украина моделининг асосий фарқ қилувчи жиҳати шундаки, ярашув оддий жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти эмас, балки мустақил процессуал келишув ҳисобланади. Келишув суд томонидан текширилади ва тасдиқланади. Суд келишув қонун талабларига мувофиқ деб топилган тақдирдагина уни тасдиқлайди. Бу эса ярашув жараёни устидан самарали суд назоратини таъминлайди.

Шунингдек, Украина қонунчилигида медиация институти ЖПКда алоҳида мустақил процессуал институт сифатида мустаҳкамланмаган бўлса-да, ярашув тўғрисидаги келишув амалда тикловчи одил судлов ва медиация ғояларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан Украина модели классик ярашув институтига асосланган Россия ва Туркменистон қонунчилигидан, шунингдек жиноий жавобгарликдан озод қилишга қаратилган Беларусь, Арманистон ва Тожикистон моделларидан сезиларли даражада фарқ қилади.

Юқорида келтирилган қиёсий-ҳуқуқий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, МДХ давлатларида ярашув институти ягона ҳуқуқий модел асосида ривожланмаган бўлса-да, унинг асосий мақсади жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ҳамда ижтимоий адолатни таъминлашдан иборат. Айни пайтда, мазкур институтни ҳуқуқий тартибга солишда давлатлар ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Хусусан, Россия ва Қозоғистон қонунчилигида жиноятнинг биринчи

⁸ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года № 122-XV.

⁹ Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI.

марта содир этилганлиги ярашувни қўллашнинг муҳим шarti ҳисобланса, Беларусь, Арманистон ва Тожикистон қонунчилигида бундай талаб умумий шарт сифатида белгиланмаган. Шунингдек, Қозоғистон ва Беларусь қонунчилигида медиация институтининг жиноят процессига интеграция қилинганлиги, Украина қонунчилигида эса ярашувнинг мустақил процессуал келишув шакли сифатида ривожланганлиги кузатилади.

Таҳлил қилинган хорижий тажриба Ўзбекистон Республикасида ярашув институтини янада такомиллаштириш учун муайян илмий ва амалий аҳамиятга эга. Хусусан, ярашувни қўллашнинг процессуал тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда жабрланувчининг ҳуқуқларини тиклашга қаратилган кафолатларни кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу билан бирга, хорижий тажрибани миллий ҳуқуқ тизимига механик равишда кўчириш эмас, балки уни миллий ҳуқуқий анъаналар, жиноят-ҳуқуқий сиёсат ва амалиёт эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда танқидий баҳолаш асосида татбиқ этиш зарур..



INNOVATIVE
ACADEMY